

## МАКТАБ ТАЪЛИМИ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ УСТУНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11661402>

**Исмаил Саифназаров**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Фалсафа фанлари доктори, профессор

[profis48\\_48@mail.ru](mailto:profis48_48@mail.ru), ORCID 0000-0002-4946-4303

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада мактаб таълим тизими, ундаги муаммо ва камчиликлар таҳлил этилган, мактаб таълими Учинчи ренессанснинг устунларидан бири эканлиги таъкидланган. Мамлакат тараққиёти мезонлари, жаҳон халқлари тарихида маданият ва маърифатга эътибор, мактаб таълимини ривожлантириши, муаллимларнинг фаолиятини такомиллаштириши ва уларнинг касбий ва ҳаётий фаолият мезонларининг замон талаблари асосида тадқиқ қилиши зарурияти ва омиллари борасида тадқиқот олиб борилган. Тадқиқот натижаларига кўра, муаммо доирасидаги камчилик ва муаммоларга муносабат билдирилган, мактаб таълим тизимини ривожлантириши, ўқувчиларнинг ҳаёт ва фаолиятини такомиллаштириши учун миллий қаҳрамонлар сиймосини яратиши, уларнинг эстетик дидини тарбиялаш, илмий изланиш кўникмаларини шакллантиришида ота-она, ўқитувчи ва зиёлиларнинг ролини ошириши лозим. Бунда, “боғча, мактаб, ота-она, маҳалла, зиёлиларнинг ўзаро ҳамкорлиги” тизими илм-фан, маданият ва маърифат ривожининг муҳим омил эканлиги қайд этилган.*

**Калит сўзлар:** мактаб, таълим тизими, ўқувчи, ўқитувчи, ота-она, зиёли, миллий қаҳрамонлар сиймоси, илм-фан, маданият-маърифат, учинчи Ренессанс.

## ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ – ОДИН ИЗ СТОЛПОВ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

**ИСМАИЛ САИФНАЗАРОВ**

Ташкентский государственный экономический университет

Профессор кафедры «Социально-гуманитарных наук»

Ташкент / Узбекистан

Тел: +998901862005 E-mail: [profis48\\_48@mail.ru](mailto:profis48_48@mail.ru)

ORCID 0000-0002-4946-4303

## АННОТАЦИЯ

*В статье анализируется система школьного образования, ее проблемы и недостатки, подчеркивается, что школьное образование является одним из столпов Третьего Возрождения. Проведено исследование критериев национального развития, внимания к культуре и просвещению в истории народов мира, развития школьного образования, совершенствования деятельности учителей, а также необходимости и факторов исследования критериев их профессиональной и жизненной деятельности на основе требования времени. По результатам исследования необходимо повысить роль родителей, учителей и интеллигенции в развитии системы школьного образования, развитии системы школьного образования, создании национальных героев, воспитании их эстетического вкуса. и формирование научно-исследовательских навыков. Было отмечено, что система «взаимного сотрудничества детского сада, школы, родителей, микрорайона, интеллигенции» является важным фактором развития науки, культуры и просвещения.*

**Ключевые слова:** *школа, система образования, ученик, учитель, родители, интеллигент, фигура национальных героев, наука, культура-просвещение, третье Возрождение.*

## SCHOOL EDUCATION IS ONE OF THE PILLARS OF THE THIRD RENAISSANCE

**ISMAIL SAIFNAZAROV**

Tashkent State Economic University (TSEU)

Department of Social Sciences

Uzbekistan, Tashkent,

E-mail: [profis48\\_48@mail.ru](mailto:profis48_48@mail.ru) Mobil: +998901862005

ORCID 0000-0002-4946-4303

## ABSTRACT

*The article analyzes the school education system, its problems and shortcomings, it is emphasized that school education is one of the pillars of the Third Renaissance. Research was conducted on the criteria of national development, attention to culture and enlightenment in the history of world nations, the development of school education, improvement of teachers' activities and the necessity and factors of researching the criteria of their professional and life activities based on the requirements of the time. According to the results of the research, it is necessary to increase the role of parents, teachers and intellectuals in the development of the*

*school education system, the development of the school education system, the creation of national heroes, the education of their aesthetic taste, and the formation of scientific research skills. It was noted that the system of "mutual cooperation of kindergarten, school, parents, neighborhood, intellectuals" is an important factor in the development of science, culture and enlightenment.*

**Key words:** *school, educational system, student, teacher, parents, intellectual, figure of national heroes, science, culture-enlightenment, third Renaissance.*

## КИРИШ

Бугун биз ниҳоятда мураккаб, таҳликали, таҳдидли ва тажовузкор дунёда яшаймиз. Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, беқарор сиёсат, гегемонлик васвасаси, ўзаро зиддиятлар, миллатчилик каби бўҳронлар биздан ҳар қачонгиданда кўпроқ илм-фанга, таълим-тарбияга, маънавий масалаларига жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Чунки тараққиёт майдонида қолиш етук, малакали, ватарпарвар авлодга боғлиқ. Бизнингча, у сифатли таълим ва самарали илм-фан негизида юқори интеллектуал даражали авлодни тарбиялашдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки юқори интеллектуал даражали авлоднинг пайдо бўлиши, жамиятнинг барча бўғинига кириб бориши, мамлакатдаги мавжуд соҳаларнинг ижобий ўзгаришига, янгиланишига, ривожланишига, тараққий этишига олиб келади. Буюк Шарқ файласуфи Конфуций «Билимсизлик инсоният учун энг қоронғи тундир», деганида минг карра ҳақ. Негаки, илм инсониятни юксакликка кўтарса, билимсизлик уни фақат тубанлик, жарлик сари етаклайди. Бунга инсоният тамаддунида мисоллар жуда кўп. Шунинг учун эртасининг фаровон бўлишини ўйлаган жамият илм сари интилади, ёш авлодга билим ўргатиш, зиё тарқатиш пайдан бўлади.

Ўтган асрнинг бошларида юртимизда фаолият олиб борган жадидчилар, маърифатпарвар боболаримиз ҳам юртни асрий қоқоқликдан олиб чиқиб, уни ҳур, обод мамлакатга айлантиришнинг дастлабки пойдевори таълимда, деб билганлари бежиз эмас. Бу ҳақда сўз кетар экан, беихтиёр Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли фикри ёдимизга тушаверади. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ долзарб аҳамиятга эга. Чунки, бугун реал воқеликка айланган Янги Ўзбекистонда қўйилаётган Учинчи Ренассанс пойдеворининг нақадар мустаҳкам бўлиши айнан замонавий илм фан асосларидан бохабар, камида иккита учта тилда мулоқот қила оладиган, ўзлари танлаган касб-ҳунар

сирларини мукамал эгаллаган ёшларимизга боғлиқ. Шу ҳақда сўз юритганда, мана бу мисолга эътибор қаратишни лозим, деб топдим. Иккинчи жаҳон уруши даврида Буюк Британия бош вазири Уинстон Черчиллга танишиб чиқиш учун мамлакат бюджетини келтиришган экан. Хужжатга кўз югуртириб, у сўраган: - Маданият ва маърифат масалаларига ҳаражатлар қани? – Ахир уруш кетаяпти, қандай маданият?! – Агар маданият ва маърифат йўқ бўлса, унда нима учун урушаяпмиз? – дея ҳайратланган экан Черчилл.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ:**

Муаммони ўрганиш жараёнида анъанавий ва замонавий мутафаккирларнинг, давлат раҳбарларининг, олим ва зиёлиларнинг мактаб таълим, илм-фан ва маданият-маърифат тараққиётига оид ҳикматли сўзлари, ҳаётий тажрибалари, тақлиф ва тавсиялари таҳлил этилди. Жумладан, Конфуцийнинг фарзанд тарбиясига муносабати, Абдулла Авлоний, Фитрат каби жаҳид маърифатпарварларнинг мактаб таълимини ривожлантиришга муносабатлари, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таълим ислохотлари, ўқитувчи шаъни, кадр-қимматини, обрў-эътиборини ошириш борасидаги саъйи-ҳаракатлари таҳлил этилган.

Шунингдек, мактаб таълим тизими ислохотчилари ва назариётчилар Ж.Дьюи, М.Монтессори, В.А.Сухомлинскийларнинг асарлари, тадқиқотчилар И.Н.Каланчина, У.Р.Кудратоваларнинг илмий ишларига мурожаат қилинган.

**МЕТОДЛАР:** Таълим тизимини таҳлил қилиш, ижтимоий гуманитар фанлар доирасида қўлланиладиган умумфалсафий метод ва методологияларга асосланади. Мактаб таълим тизими ва унинг субъектларига доир муаммолар анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш, қиёсий таҳлил, сўровнома усуллари асосида ўрганилди. Унга тарихийлик, мантиқий изчиллик, илмийлик тамойилларига кўра, диалетик, синергитик методология асосида муносабат берилди.

**НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРАЛАР:** Ҳозир дунёда қарама-қаршиликлар кетаяпти. Шундай бир оғир шароитда, мураккаб ва кескин муаммоларга тўқнаш келаётганимизга қарамасдан, илмга эътиборни кучайтиришимиз шарт. Давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” деган фикрида ўта муҳим стратегик ғоя мужассам. Дарҳақиқат, мактаб муқаддас даргоҳ. Мактабнинг ривожланиши, юксалиши, тараққий этиши муҳим ва заруратдир. Буни англаб етганлар аллақачонлар мактаб таълимига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида мактаблар миллатга таълим-тарбия бермоқда. Тафаккурини тиниқлаштирмоқда. Таълим мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим бўладими, тизим бир бутунликда инсон капиталини яратиш ва ривожлантиришнинг бош омили ҳисобланади. XXI асрга келиб,

дунёда инсон капитали масаласи кун тартибига чиқди ва мустаҳкам ўрин эгаллади. Мамлакатлар рейтингини белгилашда асосий талаблардан бири ҳам инсон капиталидир. Ўзбекистонда бу борада жуда муҳим қадамлар ташланди. Аввало, мактабгача таълим тизими янгидан ташкил этилди. Халқ таълими соҳасида 11 йиллик мактаб таълими тикланди. Самарасиз касб-ҳунар коллежлари ёпилди. Мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари мажбурий меҳнатдан озод қилинди. Муаллимнинг маоши бир неча баробар оширилди. Мактаблар моддий-техник базаси янгиланди. Олий ўқув юртларига қабул квоталари йилдан-йилга оширилди. Профессор-ўқитувчиларнинг иқтисодий аҳволи тубдан яхшиланди. Талаба ва домлалар ҳам пахта, турли хил ҳашарлардан халос бўлди. Ёшларни олий маълумот олиш имкониятлари кенгайди. Халқаро нуфузга эга бўлган олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди.

Аммо мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган таълим ислохотларига мутасаддилар қандай жавоб қайтармоқда? Маоши кўтарилган муаллим, домла ўз дунёқарашини ўзгартирдимиз? Таълим сифатини яхшилаш учун жон куйдириятими? Синфхонада, аудиторияда мамлакатнинг эртанги куни, келажак борлигини англаб етатиётими? Ўзбекистон чорак аср давомида, айниқса, таълим соҳасида жуда ортда қолганлигини, жаҳон таълим стандартларидан узоқлашиб кетганлигини билладими? Саволлар кўп, жўяли жавоб йўқ. Ҳукумат ўқитувчи ва олимлар олдидаги ўз мажбуриятини бажарди. Бугун ҳатто 1000 доллардан маош олаётган мактаб ўқитувчилари сони анчагина. Ўз устида ишлаётган, малакали мактаб муаллимларига ҳам эътибор кучайди. Аммо барибир фаолиятимиздан ўзимизнинг кўнглимиз тўлмайдими. Президентимиз таъкидлаганидек: “Агар раҳбарлар, муаллимлар, янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини – зурриёдини ишониб беришти. Бу жуда катта масъулият. Шунини ҳис қилиб, ўзимизни қийнаб, мактабни ислоҳ қилсак, келажакка замин яратамиз”. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу талаби жуда ўринли ва ўз вақтида қўйилмоқда. Фарзандларимизнинг умрини беҳуда ўтказиб қўйиб, дарс - муқаддас тамойилига амал қилмайдиган, оладиган маошини оқламайдиган ўқитувчилар ҳам учраб туради. Аммо танқидлардан, кўрилган чора тadbирлардан кейин ўқитувчилар фаолиятида ҳам, ўқувчилар билим ва савиясида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бунинг исботини ярим асрдан кўпроқ вақт талабаларга дарс бераётган педагог сифатида танамда ҳис қилаёйман. Абитуриент ва талабалар билан суҳбатда бўламан. Масалан, 2022-2023 ўқув йилини битирган ўқувчиларнинг илм олишга бўлган иштиёқи баланд. Улар информатика, математика, хорижий тиллар каби фанлар бўйича юқори ўзлаштиришга эга. Аммо тарих ва адабиёт

фанлари бўйича билимлари анча саёз. Бу эса мамлакатимизнинг юртга дахлдор, маънавийли ва ватанпарвар фарзандларни тарбиялаш борасидаги олдинга қўйилган мақсадларига мос эмас. Ахир, биз орзу қилган фарзандлар уйғоқ бўлиши, ҳар томонлама баркамол бўлиши керак. Ҳеч нарсага бефарқ бўлмаслиги лозим. Бугунги ахборот ва юқори технологиялар асрида фақат замонавий қурол-аслаҳаларнинг ўзи мамлакатнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун етарли эмас. Ахборот майдони ҳақиқий жанг майдонига айланиб бўлди. Оммавий коммуникация технологиялари орқали ахборот каналлари ўткир ва тезкор қурол сифатида тобора куч олмоқда. Бу эса айнан ана шундай хуружларга қарши тура оладиган фарзандларни тарбиялашни тақозо этади. Бунда ҳамма нарсани мактаб ҳал қилади. Айнан маънавий-руҳий тарбия керак пайтда қалқон, керак пайтда ҳимоя қуроли вазифасини ўтай олади. Президентимиз таъкидлаганидек, “ўз фарзандларига юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”. Бундай миллат бир кун ганимлар томонидан маҳв этилиши мумкин.

Демак, маънавий-руҳий, ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришда ёзувчи ва шоирлар, кино, театр, телевидение ижодкорлари, маънавий-маърифий жабҳаларда фаолият юритувчи ташкилотлар олдида муҳим вазифалар турибди. Бугун ёзувчиларимиз ўқувчилар учун замонамиз қаҳрамонларини кўрсатиб берадиган асарларни, образларни яратиши керак. Ҳамон ёдимизда, бизга Павел Корчагин, Валентин Котик, Зоя Космеденянская каби қаҳрамонлар образини миямизга қуйишган. Бегона миллат қаҳрамонларига ҳавас қилиб катта бўлдик. Бугун ҳам ижтимоий ҳаётимизда шундай ачинарли ҳолатлар учраб турибди. Болаларимиз Жумонг, Де Жойонг каби корейс ва бошқа миллатларнинг қаҳрамонлари моҳирона тасвирланган сериалларни кўриб катта бўляпти. Уларга ҳавас қиляпти. Нега, ўзимизда ўрнак қилиб кўрсатса бўладиган аждодларимиз йўқми? Бор. Ҳатто улар юзлаб кинофильмлар ва сериалларга жой бўлади. Бунинг учун миллатпарвар, юртпарвар бўлишимиз, эртанги кунимиз учун куйинишимиз керак. Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросида айтилган “Ким Ватанга қалқон бўлса, мендирман ўшал!” деган қўшиқ бугун улуғ саркарда Жалолоддин Мангуберди тимсолида миллионлаб фарзандларимиз юракларида мардлик ва жасорат, ватанпарварликни улғайтиришга хизмат қилмоқда. Аммо бу каби юракни жунбушга келтирувчи, юксак ватанпарварлик ҳиссини кучайтирувчи қўшиқлар кўплаб яратилиши лозим. Зеро, мардлик мардликни уйғотади, эр йигит сўзи эр йигитни камолга етказди. Аждодларимиз мардона руҳи, жасорати билан асрлар давомида душманларни қўрқув ва таҳликага солиб турган. Зеро, шер бор

жойга қашқир йўлолмас, деб бежиз айтмаганлар. Ватанимиз тарихида айнан ватанпарварлик туйғуси сабаб ўзидан сон жиҳатдан бир неча ўн баробар кўп бўлган қудратли лашкарларни енгган қанчадан-қанча жасур аждодларимиз ўтган. Тўмарис, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо — булар маънавий рух, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғуси билан аскарларини қудратли кучга айлантира олган юрт қалқонларидир. Ана шу маънода жасур аждодларимизнинг жанг санъати, ҳарбий меросини янада чуқурроқ ўргансак, уларни кино тасмаларига, экранларга олиб чиқсак, эртанги кун эгалари ватанпарвар бўлиб етишмайдими? Тарихдан маълумки, Ватан озодлиги учун курашиш масаласи алломалар асарлари ҳамда эзгу ғояларни ифода этувчи таълимотларнинг бош ғояси бўлиб келган. Ватан тарихини билган, улуғ аждодлар меросини чуқур ўрганган ҳар бир инсон қалбида миллий ғурури-ифтихор туйғулари янада жўш уриб, эл-юртга, Ватанга садоқати ортиб бораверади. Инсон қалбида миллат, Ватан, аждодлар руҳи олдидаги бурч ва туйғулар қанчалик чуқур жой олган бўлса, маҳдудлик ўрнига миллий ғоялар вужудга келади. Мана шундай фазилатларга эга инсонларда курашчанлик, ташаббускорлик, ўз ўзини англаш, миллат, Ватан шаъни ва манфаатини ҳимоя қилишдек муқаддас туйғулар шаклланади. Демакки, Ватан шаъни, ор-номусини жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш, бунинг учун фарзандларимиз онгида Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш туйғусини кучайтириш биз зиёлилар олдидаги энг устувор масала бўлиб қолаверади. Ижод аҳли мард ва жасур аждодларимизни, саркардаларимиз, жаҳид боболаримизнинг ёрқин сиймосини кино тасвирларда, спектаклларда, матбуотда, асарларда кўрсата олсак юртдошларимизни, ёшларимизни, ҳозирги кескин шароитда ғоявий мафкуравий соҳада рақобатга тайёрлашга эриша оламиз. Булар оддий масалалар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар.

Қисқаси, мактаб ҳам, муаллим ҳам, жамият ҳам, ота-она, оила, маҳалла ҳам мактаб ишига нисбатан ўзгариши шарт, янгиланишга, уйғонишга мажбур. Бундан бошқача бўлмайди. Бу ўринда, нафақат мактаб, балки олий таълим муассасаси ҳам ўз иш услубини, таълим-тарбия беришни бутунлай замонавийлаштириши керак. Биз таълимнинг куч-қудратини, мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етганимиз йўқ. Биргина Осиё йўлбарслари деб аталган Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатлар тақдирини таълим қанчалар ўзгартириб юборганлигига аҳамият бермаймиз. Улар минг

машаққатлар билан мустақилликка эришган, иқтисодий оғир аҳволда эди. Улар, дастлаб, ишни таълим ислоҳотидан бошлади. Виждонли, фидойи, миллатпарвар, ватанпарвар муаллим миллатни таназулдан олиб чиқди. Жаҳон тарихидан бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади.

Аmmo бизда барча шароитлар муҳайё, бироқ таълим сифати паст. Бунда фақат ўқитувчиларни айблаймиз. Жамоатчилик ва ота-оналар айбсиздек. Улар ҳам беайб эмас. Кўпчилик ота-оналаримиз учун мактаб бу болаларини маълум бир вақтга олиб ўтирадиган жой ҳисобланади. Одатда, ота-оналар фарзандларини билим ва қобилиятларини текширмайди. Ўтган дарслар бўйича савол-жавоб қилмайди. Боласининг билими билан иши бўлмайди. Бунинг натижасида талаб ва таклиф йўқ жойда интилиш ҳам бўлмайди. Муаллим ҳам бамайлихотир вақтни ўтказди. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб, халқнинг саводхонлик даражаси пасайишига, билимсизлик, фикрсизлик ортишига олиб келади. Агар мактабда муаллим, университетда домла ўз ишига виждонан ёндашганда эди, ҳаётимиз бутунлай бошқача бўларди. Яна бир нарсага одатланиб қолганмиз. Масжид, мадраса қуришга боримизни сарфлаймиз. Мактаб қуришга келганда юзимизни бурамыз. Ахир, эртанги кунимиз эгалари мактаб партасидан чиқадику. Тадбиркор, бақувват юрдошларимиз мактаб учун ҳам қайишса бунинг мевасини бугун бўлмаса, эртага кўрамыз.

Барча иллатларнинг дояси илмсизлик экан, миллатнинг оёғига тушов бўлаётган қусурлардан тезроқ қутилишимиз керак. Дабдабали тўйлар, ҳашаматли иморатлар, кераксиз орзу ҳаваслар ўрнига болаларимизни ўқитишимиз жуда катта зарурат эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ҳаммасини давлатга ташлаб қўйиш, ҳаммасини давлатдан кутиш тўғри эмас. Инсон тафаккури дунёқараши, билим ва қобилияти жуда муҳим эканлигини англаб етмас эканмиз, аҳволимиз ўнганмайди. Илм-фан ва сифатли таълимсиз тараққиёт ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди.

Бизнингча, мактабларга ватанпарвар, ўтмишда фидойилик кўрсатган тажрибали педагогларни, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, таниқли спортчилар ва санъаткорларни кўпроқ жалб қилишимиз, ўқувчиларни уларнинг ибратли ҳаёт йўли билан таништиришимиз ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Таниқли ака-ука олимлар, академиклар Саидахроп ва Саидасроп Ғуломовлар Юнусобод туманидаги мактабларга ўз ташаббуслари билан катнаб, ўқувчилар билан учрашиб, уларни илм-фанга қизиқтириш учун бор тажрибалари, маҳоратларини ишга соляпти. Қанийди, жамиятимизда шундай фозил инсонлар кўпайса.

Нокамтарлик бўлса ҳам айтаман, ўзим меҳнат қилаётган Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида ўз юртига садоқат, бағрикенглик, ватанпарварлик



ва меҳр-оқибат ҳиссини ривожлантириш, жамиятимиз асоси бўлган маҳалла институтининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш мақсадида Фалсафа фанидан **“Менинг маҳаллам – менинг фахрим”** мавзуида талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилдик. Унинг асосий мақсади, нафақат назарий жиҳатдан балки амалий аҳамиятга молик ҳисобланган фарзандларимизни, талаба ёшларни маҳалла ҳаётига, унинг кадриятларига яқинлаштириш ва шу орқали ўзлигини англаши, ватанпарварлик, элпарварлик эътиқодини ривожлантиришдир. Муҳими, жамият тараққиётида маҳаллаларнинг ўрни ва инсоннинг шахсий ҳаётида ҳам маҳалла – муҳим кадрият сифатида эканлигини кўрсатиб бериш, талаба ёшларнинг миллий ва умуминсоний кадриятлар тизимига асосланган ахлоқий нормаларини, ўз маҳалласи, у ерда яшаб ўтган ёки ҳозирда истиқомат қилаётган эл ҳурматида сазовар бўлган атоқли инсонлар билан фахрланиш, ўз юртига садоқат, кишиларга меҳр-оқибат, бағрикенглик, оилапарварлик ва ватанпарварлик каби туйғуларини ривожлантириш, уларнинг эстетик дидини тарбиялаш, илмий изланиш кўникмаларини шакллантириш ва уларни фикрлашда мантиқий аниқлик, изчиллик қоидаларига амал қилишга ўргатишдан иборат. Қолаверса, уларда ўзлари яшаб турган маҳалласи тўғрисида аниқ маълумотлар базасини шакллантириш ва тақдимот тайёрлаш орқали ўз маҳалласи ҳақида тўлиқ таассуротга эга бўлиш, ўз маҳалласи билан фахрланиш учун керакли факт ва далилларни излаб топиш ва уни чиройли намоён қилиш, шунингек, маҳаллада ўз оиласининг нуфузини янада юксалтириш, жамият ривожидида маҳалла институтининг ролини янада ошириш учун аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ўз аҳамиятини топган. Назаримда бундай амалиётларни мактабларда ҳам жорий этишимиз керак. Мактаб даргоҳида олинган билим эртага тошга ўйилган нақшдек бола миясида қолиб кетади.

Мактабдаги маънавий муҳит масаласи ҳам жуда муҳим. Даргоҳга эркак ўқитувчиларни ҳам жалб этишимиз зарур. Иродали, матонатли, жасур, ҳамиятли, ор-номусли фарзандларни тарбиялашда эркакларнинг ўрни ҳамisha юқори бўлган. Мактабда маънавий муҳитнинг ёмон бўлиши ҳолати билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди. Аслида, маънавият, маърифат, маданият мактабдан бошланадику. Маърифатпарвар жадид аждодимиз Абдурауф Фитрат ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир, деган эди. Айтмоқчимизки, бугун мамлакатимиз учун мактаб бош мақсад, биринчи масала ва нажот қалъасидир. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, мамлакатни тараққий эттириб бўлмайди. Демак, миллат ва мамлакат тақдири мактабда ҳал бўлади. Шунинг учун Президент Шавкат Мирзиёев биз ўқитувчи ва педагогларни мактаб

таълими соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда энг яқин ёрдамчим, деб биламан, деган эди.

### **ХУЛОСА:**

Тарихга назар ташланг, мамлакатлар қачон қудратли бўлган? Қачон тараққий этган? Қачон гуллаб-яшнаган? Қачон халқ фаровон ва бой яшаган? Албатта, илм-фан ва таълим ривожланганда. Минглаб мактаб ва мадрасалар қурилганда. Шаҳарларимиз марказидаги энг баланд, энг мухташам иморатлар мадрасалар бўлганда. Аччиқ бўлсада, яна бир бор такрорлаймиз, мактабни янгилаш керак. Унга янги руҳ киритиш шарт. Буларнинг ҳаммаси учун, фарзандларимизни фикрлашга ўргатайлик. Бугунги дунёда ҳам аҳвол худди шундай. Илм-фан ва таълим ривожланган давлатлар ҳар томонлама жаҳонга ҳукмронлик қилмоқда. Аслида, қурол-яроқданда кўпроқ маблағларни илм-фанга йўналтирмоқда. Камбағал мамлакатлардаги истеъдодли ёшларни, иқтидорли олимларни катта пул эвазига ўзларига чақириб олмоқда ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Илмий салоҳиятга эга чиқмоқда. Бунинг натижасида давлатлари зиёда бўлиб, халқи яхши яшамоқда. Мақсадимиз Учинчи Ренессансни қуриш экан, инсон манфаатлари бирламчи бўлган, иқтисодий ривожланган, ижтимоий мукамал, барқарор жамиятни барпо этиш экан, пойдевори замондан илгари қадам ташлайдиган таълим ва илмдир. Бу ҳақиқат Президентимиз томонидан илгари сурилмоқда ва халқимиз ҳаётидан тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Мактаб масаласи барча ислохотларимиз марказида бўлмоғи зарур.

### **REFERENCES**

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга ва ўзбек халқига мурожаатномаси 2022 йил 20 декабрь. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi#>
2. Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. -248 б.
3. Дьюи Дж. Демократия и образование // Пер.с англ. – М.: Педагогика-Пресс. 2000. – 384 с.
4. Каланчина И.Н. Социально-философский анализ роли личности учителя в современном образовании: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Барнаул, 2004. -48 с.
5. Конфуций. Ҳикматлар. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.-220 б.
6. Конфуций. Муҳокама ва баён. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. -180 б.

7. Кудратова У.Р. замонавий таълим тизимида ўқитувчи феноменининг ижтимоий фалсафий таҳлили: Фалс. фан. бўй. фал. док. (PhD)... дис. автореф. – Тошкент, 2022. – 54 б.
8. Masuda Y., 1990. Managing in the Information Society: Releasing synergy Japanese style. – Oxford, 1990. -p. 59.
9. Монтесорри М. Монтесорри педагогика. По материалам сайта: <http://www.kid.ru>
10. Монтесорри М. Мой метод. Руководство по воспитанию детей от 3 до 6 лет. – М.: Центрполиграф, 2011.
11. Саифназаров, И. (2020). Замонавий таълим Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 4[88], Б. 17-19.
12. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.
13. Саифназаров И., Кудратова У. Янгиланаётган Ўзбекистон ўқитувчиси. – Тошкент: IQTISODIYOT, 2023. – 200 б.